

ЛИНГВОПСИХОЛОГИЯНИНГ ТИЛ ВА НУТҚ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ: СЕНСОР ТУЙГУЛАР, МОТИВАЦИЯ ВА ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР ТАЪСИРИ

Шахноза Хикматуллаевна Акбарова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Мумтоз шарқ филологияси факультети,
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада онг ва нутқ ўртасидаги ўзаро таъсир ҳамда уларнинг лингвопсихология нуқтаи назаридан ўрганилиши хусусида сўз юритилади. Тил ва нутқнинг фарқли жиҳатлари, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан сенсор туйғулар, мотивация ва психик жараёнларининг аҳамияти тадқиқ этилади. Лингвопсихология фанининг асосий вазифалари – нутқ жараёнининг коммуникатив аҳамияти, ижтимоий мақсадлар билан боғлиқлиги ва инсон онгининг бу жараёнга таъсири ёритилади.

***Калит сўзлар:** Нутқ ривожланиши, онг ва нутқ, лингвопсихология, сенсор туйғулар, мотивация, психик жараёнлар, тафаккур ва идрок, сенсомоторика, инсон мияси, болалар нутқи, тил ва нутқ алоқаси, нутқий фаолият.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается взаимосвязь между сознанием и речью, а также их изучение с точки зрения психолингвистики. Исследуются различия между языком и речью, факторы, влияющие на их развитие, включая сенсорные ощущения, мотивацию и роль психологических процессов. Основные задачи психолингвистики, такие как коммуникативная значимость речевых процессов, их связь с социальными целями и влияние человеческого сознания на эти процессы, раскрываются в статье.

***Ключевые слова:** Развитие речи, сознание и речь, психолингвистика, сенсорные ощущения, мотивация, психологические процессы, мышление и восприятие, сенсомоторные навыки, человеческий мозг, детская речь, взаимосвязь языка и речи, речевая деятельность.*

ABSTRACT

The article discusses the interrelation between consciousness and speech and their study from the perspective of psycholinguistics. It explores the differences between language and speech, the factors influencing their development, including sensory perceptions, motivation, and the role of psychological processes. The main

tasks of psycholinguistics, such as the communicative significance of speech processes, their connection with social goals, and the influence of human consciousness on these processes, are highlighted.

Keywords: *Speech development, consciousness and speech, psycholinguistics, sensory perceptions, motivation, psychological processes, thinking and perception, sensorimotor skills, human brain, children's speech, language and speech interaction, speech activity.*

КИРИШ

Онг ва нутқ, нутқнинг онгга таъсири масалалари ниҳоятда баҳсли масала бўлиб, бу масала ҳам лингвистлар, ҳам психологлар, томонидан кўп тадқиқ этилган. Бу ўринда «тил» ва «нутқ» тушунчаларининг фарқли жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. О.С.Ушакова фикрига кўра, тил ва нутқнинг ўзаро боғлиқлиги тил қобиляти моҳиятини англашда, тилнинг фонетик, лексик, грамматик тизимлари ҳақида илк тасаввурларининг шаклланиши, шунингдек, тилнинг коммуникатив вазифасида уни эгаллаш малакаларини ривожлантириш жиҳатидан муҳимдир [1]. Ушбу фикрни ривожлантирган ҳолда, айтишимиз мумкинки, тилнинг коммуникатив вазифасини эгаллаш ўзаро мулоқот давомида ривожланиб боради. Бу эса нутқни ўстириш орқали амалга оширилади. Нутқнинг нутқий фаолият орқали юзага чиқиши, фаолият эса инсон томонидан бажарилиши тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири сифатида лингвопсихология фанининг юзага келишига сабаб бўлади. Лингвопсихология лингвистика ва психология фанлари кесимида ривожланаётган фан бўлиб, у нутқ жараёнининг мазмуни, коммуникатив аҳамияти, нутқ актининг муайян ижтимоий-амалий мақсадга йўналтирилганлиги, уларнинг адресант ва адресатга таъсир доираси каби масалаларни ўрганади. Т.Саттаровнинг фикрича, бунда лисоний имкониятлар сирасида нутқий бирликларни ҳосил қилиш ва қабул қилиш, нутқ жараёнидаги фикрни ифодалаш ва англашдаги руҳий ҳолатлар, шарт-шароит, вазият, таъсирчанлик, сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати кабилар ҳам эътиборга олинади [2; 163-б.]. Тилшунос олимлар А.Содиқов ва А.Холмуродовлар лингвопсихологияда инсоннинг нутқ фаолиятида ички нутқнинг ҳосил бўлиши ва ташқи, яъни бошқа фаолиятлар билан алоқадорлик томонлари ҳам илмий тадқиқ этишини таъкидлайдилар. Инсон тафаккуридаги борлиқ ҳақидаги билим ва тушунчаларни, яъни фалсафий ва психологик хусусиятларни нутқ воситасида жамиятнинг бошқа аъзоларига етказиб бериш ва унинг қандай амалга оширилиши каби мураккаб масалалар айнан лингвопсихологиянинг

муаммоси ҳисобланади [3; 198-б.]. Маълумки, нутқ инсон бош миясининг муайян соҳалари фаолияти ҳамдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Нутқ аъзолари бош миядан келадиган буйруқларни бажаради, бу жараён турли сенсор ва мотор реакциялари билан биргаликда кечади. Шу боис нутққа ўргатишда сенсор каналлар ва моторикани мукаммаллаштиришга оид махсус машқлар ғоят муҳимдир. Бош мия ишига ва унинг психик жараёнлари ривожланишида, айниқса нутқнинг шаклланишида сенсор ахборот ва эмоциялар муҳимлигини ёдда тутмоқ зарур. Шунингдек, барча сезги аъзоларидан келадиган импульслар айнан ҳаракатланиш соҳасида бирлашгани боис, мушак туйғуларини машқ қилдиришга ҳам эътибор бериш даркор. И.М.Сеченов мушак туйғулари барча туйғуларга таъсир қилиши ва уларни кучайтиришини таъкидлаган эди [4;18-б.]. Айнан шу сабабли ҳаракат, предметлар билан ҳаракатланиш ва боланинг ўйинда фаоллиги унинг нутқини ўсишига кўмаклашади. «Сенсор» сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб «sensus»-«туйғу», «сезги», «идрок», «сезиш қобилияти» маъноларини англатади. Демак, борликни билиш аввало, сезиш, идрок қилишдан бошланади. Инсон кўриш, сезиш, англаш, ҳис қилиш ёрдамида теварак-атрофдаги нарса ва воқеа-ҳодисалар тўғрисида тушунчага эга бўлади. Инсонда фақат шулар асосида хотира, тафаккур, хаёл каби жараёнлар ҳосил бўлади [5; 72-б.]. Буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино инсон физиологияси ва психологиясига оид ниҳоятда нодир фикрларни билдирган. У ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” асарида сезгини ташқи ва ички турларга бўлади, шунингдек, мия нерв системасининг маркази эканлиги, инсон тана ва жондан ташкил топиши, мия инсонни бошқариб турувчи марказ эканлигини қайд этиб ўтган [6]. Мактабгача таълим ташкилотлари билан бевосита шуғулланган Ф.Р. Қодирова болани ўзга тилга ўргатишдан аввал унинг она тилидаги нутқини ривожлантириш ҳамда тилга ўргатиш жараёнини бевосита сенсор туйғулар орқали содир бўлишини таъкидлайди. Бола сўзларга мос келувчи нарсаларни «тадқиқ қилиши» туфайли маънони англаб, ўринли қўллайди. Бола ўз диққат-эътиборини сенсомоторикага таяниб, буюм, нарса, унинг масофавий жойлаши, ҳаракатлар кабиларни сўз орқали ифодалашга ўрганиб боради. Кичкинтой онгига янги сўзлар билан танишиш ва уларни мустаҳкамлаш бешта анализатор — кўриш, тинглаш, ҳид билиш, таъм билиш, пайқаслаш асосида ўз нутқида тўғри қўллашга ўрганиб боради. Болаларнинг ёшига мувофиқ сенсомоторикани қўллаш билан режалаштирилган сўзларни нарсалар ёрдамида қабул қилиши, уларнинг хотирасида ушбу буюмлар, ҳаракатлар ҳақидаги тасаввур сифатида муҳрланиб

қолганидан сўнг, уларнинг номини атовчи сўз болада энг аввало у мазкур нарса билан бевосита тўқнаш келганида бошдан ўтказган ҳис-туйғуларни уйғотади [7]. Инсон мияси компьютер тили билан айтганда, мультипроцессор ҳисобланади. У ахборотни синтетик кўринишда олар экан, бир йўла унинг овози, шакли, ранглари, ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, оғирлиги, ҳажми, ва бошқа кўпгина жиҳатларини ҳам таҳлил қилади. У ахборотнинг “намуналари”ни йиғади, таҳлил қилади, қисмларга ажратади, ўзига синхрон тарзда келаётган каттагина миқдордаги рағбатлантирувчи омиллардан маъно ва мазмун чиқаради. Мия онгнинг кўпгина йўналишларида, даражаларида, интеллект ва ҳис-туйғуларда баробар ишлайди. Шу боис, маълумотларни қайта ишлаш жараёнида ҳиссиётларнинг ўрни жуда каттадир [8]. Демак, нутқ фаолиятига инсондаги барча руҳий жараёнлар сезги, идрок, диққат, тасаввур, ижод таъсир этади. Инсонни маълум йўналишда у ёки бу ҳаракатларни бажаришга ундовчи ва қўйилган мақсадларга етишувига кўмаклашувчи онгли ва онгсиз психик жараёнлар негизида ўрганишнинг кучли импульси мотивация ҳисобланади. Янги оламни ва бу оламнинг бир қисми ҳамда у билан боғлиқ муомала усули - нутқни ўрганаётган болада кўп жиҳатдан мотивация табиий ҳисобланади. Болаларда нутқнинг муваффақиятли ўзлаштирилишининг асл сабаби ҳам шунда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ушакова О. С. Теория и практика развития речи дошкольника. – М.: Сфера, 2010. – 240 с.
2. Сатторов.Т. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси (инглиз тили материалида). ТДЮИ Т., 2003. – 191 б.
3. Содиков А. Абдуазизов А. Ирискулов А. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи. 1981.- Б. 93.
4. Сеченов И.М. Кому и как разрабатывать психологию // Сеченов И.М. Элементы мысли. СПб.–М.–Харьков–Минск, 2001. - С. 118–208.
5. Қулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш: Дисс... пед.фан. бўйича фалсафа док. –Т., 2018. -209 б.
6. Чуковский К.И. От двух до пяти. Живой как жизнь. – М.: Детская литература, 1990. – 814 с.
7. Қодирова Ф.Р. Болаларга чет тилини ўқитиш назарияси ва методикаси. –Т., 2009. – 251 б.

8. Sara Albaladejo , Yvette Coyle, Julio Roca de Larios. Songs, stories, and vocabulary acquisition in preschool learners of English as a foreign language. Contents lists available at ScienceDirect System journal homepage: www.elsevier.com/locate/system 2018.